

**ҚИЙИН МЕЛИОРАЦИЯЛАНАДИГАН ЕРЛАРДА ҒЎЗАНИ ТУРЛИ
СУҒОРИШ УСУЛЛАРИНИНГ СИЗОТ СУВЛАРИ САТҲИ ВА
МИНЕРАЛИЗАЦИЯСИГА ТАЪСИРИ**

*Жўраев Умид Анварович,
Атамуродов Бехруз Немат ўғли,
Рустамова Кумушхон Баҳрон қизи.*

“ТИКХММИ” МТУ Бухоро табиий ресурсларни бошқариши институти

Аннотация: Ушбу мақолада Бухоро вилоятининг қадимдан сұғориладиган ўтлоқи аллювиал, механик таркибиغا кўра оғир қумоқ, шўрланган тупроқлар шароитида ғўзани тури суғориш усулларининг сизот сувлари сатҳи ва минерализациясига таъсири бўйича олиб борилган тажрибалари натижалари келтирилган бўлиб, тажрибалар 3 та варианта олиб борилиб, тури суғориш усулларининг ер ости сувлари сатҳи ва унинг минерализациясига таъсири атрофлича таҳлил қилиб борилган.

Калит сўзлар: шўрланган тупроқлар, сизот сувлари, транспирация, кузатув кудуклари, вегетацияси даври, хлор иони, қуруқ қолдик.

Кириш. Ўзбекистонда сўнги йилларда барча соҳалар каби сув хўжалиги соҳасини ривожлантиришга хам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республикамизда ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигига ажратилган ерларда вегитация ва новегитация ойларида суғориш ҳамда шўр ювиш тадбирларини самарали ташкил қилиб, ресурс тежамкор технологиялардан фойдаланиб, ҳар-бир куб сувни иқтисод қилиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб келмоқда.

Суформа деҳқончиликда тупроқларнинг зичланишининг асосий сабаблари булар суғориладиган майдонларда агротехник ва мелиоратив тадбирларни нотўғри олиб борилганлиги билан изоҳлаш мумкин, шу сабабдан бундай майдонлarda зичланиш (қаттиқ қатлам) ҳисобига тупроқнинг шўрланиши ҳамда ҳажмий оғирлиги қолган тупроқларга нисбатан юқори бўлганлиги учун ҳам бундай тупроқларни мелиорацияланиши қийин бўлади. Бундай ерларда суформа деҳқончиликда инновацион ёндашувларини ишлаб чиқиш, чўл ва қурғоқчил ҳудудларни сув билан таъминлаш, мавжуд сув ресурсларини иқтисод қилиш ва мелиоратив тадбирларини қийинлиги ҳамда бунга кетадиган харажатларини ҳисобга олган ҳолда, маскур ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг имкониятлари ва зарурлигини баҳолаш, экологик хафсиз ҳамда сув ва

ресурсларни иқтисод қилишга қаратилган инновацион технологияларни тадбиқ қилиш долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ҳисоб-китобларга кўра, глобал иқлим ўзгариши натижасида сўнгги 50-60 йил давомида Марказий Осиёда музликлар майдони тахминан 30 фоизга қисқарган. 2050 йилгача Сирдарё ҳавzasида сув ресурслари 5 фоизга, Амударё ҳавzasида 15 фоизгача камайиши кутилмоқда. Натижада Ўзбекистонда 2030 йилга бориб сувга бўлган талаб 7 млрд. куб метрни, 2050 йилга бориб эса, бу кўрсаткич икки баробарга ортиши мумкин. Аҳоли сонининг кескин ошиб бориши, сувдан фойдаланиш самарадорлиги пастлиги ҳисобига охирги 15 йил ичида аҳоли жон бошига сув таъминоти тахминан икки баробарга (3048 m^3 дан 1589 m^3 га) қисқарган. Натижада 2030 йилга бориб кескин ўсиб бораётган аҳолининг сифатли сувга бўлган талаби 18-20% ($2,3 \text{ млрд. m}^3$ дан $2,7-3,0 \text{ млрд. m}^3$) га ортиши кутилмоқда. Бу ҳолат сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, сувни тежайдиган замонавий технологияларни қўллаш ва ирригация обьектларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш каби бир қатор чора тадбирларни ўз ичига олади.

Республикамизда жами 4,3 млн. гектар суғориладиган майдонларнинг 2 млн. гектарга яқини ёки 40 фоиздан ошикроқ қисми турли даражада шўрланган бўлиб, бу кўрсаткич Бухоро вилоятида 275,509 минг гектар суғориладиган майдонларнинг 86 фоизга яқин майдонлар турли даражада шўрланган ерларни ташкил этади. Шу сабабли шўрланган майдонларда сув танқислигини салбий таъсирини камайтириш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан юқори ҳамда барқарор ҳосил олишни таъминлаш эришишда илмий асосланган сув тежовчи суғориш ва шўр ювиш технологияларини жорий этишга қаратилган тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Тадқиқот материаллари ва услуби. Юқорида келтирилган долзарб муаммолардан келиб чиқсан ҳолда 2022-2024 йиллар давомида Бухоро вилоятининг қадимдан суғориладиган ўтлоқи аллювиал, механик таркибиغا кўра оғир қумоқ тупроқлар шароитида бажарилди. Ўзани турли сувтежамкор усувларда суғориш бўйича тажрибалар 3 та вариантда олиб борилган бўлиб, ушбу тажриба тизими 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал


Ўзани турли сувтежамкор усувларда суғориш бўйича тажриба тизими

Вариантлар	Суғориш усули	Суғориш олди тупроқ намлиги, ЧДНС га нис. %.	Ҳисобий қатламлар, см
1 (назорат)	анъанавий, эгатлаб	75-80-65	70-100-70

2	томучилатиб		50-70-50
3	тупроқ ицидан		50-70-70

Дала тажрибалари учта вариант ва учта қайтарилиқда Бухоро вилояти учун тавсия этилган N₂₅₀; P₁₇₅; K₁₀₀ ўғитлаш меъёрларида олиб борилди. Учта вариантда ҳам, 90x10-1 схемасида экинларни жойлаштириб, ҳар бир қайтариқ 8 та қатордан иборат бўлиб, шундан ўртадаги тўртта қаторда барча ҳисоблаш ишлари олиб борилди, ёнидаги иккита қаторлар эса, ҳимоя қаторлари сифатида кўрилди.

Таҳлил ва натижалар: Тадқиқот йиллари давомида ғўзани суғориш бўйича олиб борилган тажрибаларимизда ер ости сизот сувлар сатҳини ўлчаб бориши мақсадида тажрибанинг иккинчи қайтариқ барча вариантларда кузатув қудуқлари ўрнатилиб, ҳар 10 кунда маълумотлар олинниб, таҳлил қилиб борилди. Тажриба майдонида сизот сувлар сатҳининг ўзгаришининг 2022 йилги маълумотларини таҳлил қиласиган бўлсак, 1-расмда кўрсатилганидек, энг максимал кўтарилиш баландлиги ғўзани суғориш даври, яъни июнь-июль ойларига тўғри келиб, бунда 1-вариантда 185-179 см га, 2-вариантда 188-181 см. га тенг бўлган бўлса, тупроқ ицидан суғорилган 3-вариантда 187-183 см. ни ташкил қилди. Тажриба майдонида сизот сувларнинг сатҳини энг кўп пастлаган даври, бу октябрь-ноябрь ойларига тўғри келиб, 1-вариантда 221-233 см, 2-вариантда 225-235 см ва ғўза тупроқ ицидан суғорилган 3-вариантда 226-238 см ни ташкил қилиб, мавсум давомида сизот сувлар сатҳининг ўртacha чукурлиги 1-вариантда 200 см га, 2-вариантда 202 см га ва 3-вариантда 203 см га тенг бўлди.




1-расм. Ғўзани турли сугориш технологияларида етиштиришнинг тажриба даласининг сизот сувлари сатҳига таъсири.

Тажриба даласида сизот сувлар сатҳининг 2023 йилнинг вегетация даврида ўзгариш амплитудаси 1-вариантда 55 см ни ташкил қилган бўлса, 2-вариант, яъни ғўзани томчилатиб сугорилган вариантада хам 55 см ни ва ғўза тупроқ ичидан сугорилган 3-вариантда 53 см ни ташкил қилди.

Сизот сувлари сатхини ғўзанинг вегетацияси даврида ўзгаришини таҳлили шуни қўрсатадики, уларнинг сатхини ўзгаришига сугориш усувларини таъсири сезилмайди, чунки барча усувларда сугориш меъёрлари хисобий қатламларда етишмайдиган намлик дефицитини қоплаш миқдорида қўлланилган. Тажриба даласининг сизот сувлари сатҳига асосан, сугориш массивидаги сугоришлар ва сугориш тармоқларидан бўлаётган фильтрацион йўқотишлар таъсир қилди.

Ер ости сизот сувларининг минерализацияси вегетация боши ва охирида ўрнатилган кузатув қудукларидан сув намуналари олиниб, лаборатория шароитида кимёвий таҳлил қилиб борилди. Унга кўра, 2022 йил вегетация бошида сизот суви таркибида хлор иони миқдори 1,362 % ни, сульфат иони 1,932 % ни ҳамда қуруқ қолдик миқдори 8,472 % ни ташкил қилди. Бу ўрта ва кучли минераллашган сувлар туркумига кириши аниқланди. Вегетация охирига бориб, 1-вариантда сизот суви таркибида хлор иони миқдори 1,435 % ни, сульфат иони 2,056 % ни ҳамда қуруқ қолдик миқдори 9,121 % ни ташкил қилган бўлса, 2-вариант яъни, томчилатиб сугорилган вариантада хлор иони миқдори 1,396 % ни,

сульфат иони 2,025 % ни ва қуруқ қолдиқ миқдори 8,893 % га тенг бўлиб, тупроқ ичидан сугорилган 3-вариантда хлор иони миқдори 1,378 % ни, сульфат иони 1,986 % ни ҳамда қуруқ қолдиқ миқдори 8,827 % га тенг бўлди.



2-расм. Тажриба майдонида сизот сувлари минерализацияси (2022 йил).

Тажриба майдонида сизот сувларининг минерализациясини ўртача уч ийллигини таҳлил қиласиган бўлсак, вегетация бошида сизот суви таркибидаги хлор иони миқдори 1,375 % ни, сульфат иони 1,955 % ни ҳамда қуруқ қолдиқ миқдори 8,375 % ни ташкил қиласиган бўлса, вегетация охирига бориб, бу кўрсатгичлар 1-вариантда мос равишда 1,448 % ни, 2,066 % ни ва 9,067 % ни ташкил қиласиган бўлса, 2-вариантда 1,413 % га, 2,042 % га ва 8,820 % га тенг бўлиб, тупроқ ичидан сугорилган 3-вариантда 1,399 % ни, 2,017 % ни ва 8,765 % ни ташкил қилди.

Хулоса: Юқорида келтирилган маълумотлардан шундай хулоса қилиш мүнкинки, Бухоро вилоятининг қадимдан сугориладиган ўтлоқи аллювиал, механик таркибига кўра оғир қумоқ, кучли шўрланган тупроқлар шароитида ғўзани турли сугориш усулларининг сизот сувлари сатҳи ва минерализациясига таъсири бўйича олиб борилган тажрибаларда сизот сувлари минерализациясини ғўзанинг вегетацияси даврида ўзгаришини таҳлили, унинг ўзгаришига сугориш усулларини таъсири кам бўлиб, бу сугориш усулларидағи сугориш меъёрларининг нисбатан кичиклиги ва сизот сувлари минерализациясига асосан, сугориш массивидаги сугоришлар ва сугориш тармоқларидан бўлаётган фильтрацион сувлар билан келиб қўшилаётган тузлар таъсир қилиши кузатилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган консепсиясини тасдиқлаш тўғрисида» ги 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024 сонли фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармони
3. Хамидов М.Х., Шукурлаев Х.И., Маматалиев А.Б. Қишлоқ хўжалиги гидротехника мелиорацияси. – Тошкент: Шарқ нашриёт- матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2008. – Б. 267-272.
4. Нурматов Ш.Н., Мирзажонов Қ.М., Авлияқулов А.Э., Безбородов Г.А., Ахмедов Ж.Х., Тешаев Ш.Ж., Ниёзалиев Б.И., Холиқов Б.М. ва б.; Шамсиев А. таҳрири остида Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. – Тошкент. : ЎзПИТИ, 2007. -147 б.
5. Исашов С.А. “Ғўзанинг Андижон-35 ва Андижон-36 навларини парваришилашда тупроқ остидан суғориш усулини қўллаш” Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати Тошкент-2023 21 б.
6. Исаев С. Х., Исашов С. А. Ғўзани тупроқ остидан суғориш усулининг пахта хосилдорлигига таъсири //журнал агро процессинг. №.–SI. 2020- 94-99 б.